

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1104-ҳадис

1104 - وَعَنْهُ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ، فَأَقْبَلَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوَجْهِهِ فَقَالَ: «أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ وَتَرَاصُوا، فَإِنِّي أَرَأَكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ بِلَفْظِهِ، وَمُسْلِمٌ بِعَنْهُ [خ]. [434، 719]

وَفِي رِوَايَةِ الْبُخَارِيِّ: كَانَ أَحَدُنَا يُلْزِقُ مَنْكَبَهُ بِمَنْكَبِ صَاحِبِهِ وَقَدَمَهُ بِقَدَمِهِ» [725].

1104. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Намозга иқома айтилди, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга юзланиб: «Сафларингизни тўғриланглар, етишиб-етишиб туринглар. Мен сизларни ортимдан ҳам кўриб тураман», дедилар».

Имом Бухорий шу лафз билан имом Муслим мана шу маънода ривоят қилдилар.

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятида:

«Ҳар биримиз елкасини шеригининг елкасига ва оёғини унинг оёғига теккизиб туради», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятлардан олинадиган фойдалар:

1. Намозга иқомат айтилгандан сўнг имом юзини қавмга ўгириб, уларни сафни тўғрилашга чақириши.
2. Қавм сафни етиштириб туриши лозимлиги.
3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидағи нарсани

ҳам кўриш хусусиятлари борлиги.

4. Сафда елкани елкага текказиб туриш сафларни етиштиришнинг ниҳояси эканлиги.

Баъзилар сафда оёқни ёнидаги кишининг оёғига текказиб турмаса бўлмайди, деб ҳам тушунганлар.

Лекин кўпчилик уламолар бу фикрни қабул қилмаганлар. Бу ривоятдан қадамларни бир-бирига текказиб туриш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг эмас, балки Анас розияллоҳу анхунинг гаплари эканлиги маълум бўлди.

Намоз маълум ва машҳур ибодат. У фарз қилингандан бошлаб кўп йиллар давомида ҳамманинг иштирокида ва кўз ўнгидаги адо этилган. Расулуллоҳ алайҳиссалом кўпчиликка намозни ўргатганлар. Жумладан, сафда туришни ҳам. Ўша машҳур ривоятларнинг бирортасида сафда турган одам оёғини кериб ёнида турган кишининг оёғига теккизиши фарз, вожиб, суннат ёки мустаҳаб деб айтилмаган. Усули фикҳ қоидасига биноан, намозга ўхшаш машҳур нарсаларда биргина саҳобийнинг гапи ҳужжат қилиб олинмайди. Худди шу қоидага биноан, мўътабар тўрт мазҳабдан бирортаси ҳам юқорида ўтган ривоятни қабул қилмаган. ҳанафийлар эса, икки оёқнинг орасини тўрт энлик миқдорда очиб туришни таъкидлаганлар, холос.

5. Сафнинг тўғрилиги намознинг батамомлигидан эканлиги. Яъни, жамоат намозида саф қанчалик тўғри бўлса, ўша намоз шунчалик тўқис адо этилади. Аксинча, саф қанчалик қинғир-қийшиқ бўлса, у шунчалик нуқсонли бўлади.

6. Сафнинг тўғрилиги намознинг гўзаллигидандир. Саф қанчалик тўғри бўлса, намоз шунчалик гўзал бўлади. Акс ҳолда намоз ўз гўзаллигини йўқотади.

Демак, мусулмонлар жамоат намозида сафларни жипс ва тўғри қилиш билан уммат ўртасидаги жипсозлик, иттифоқликни яхшилаб, ишларни батамом ва гўзал қилишга эришмоқлари мумкин.

Манба: hadis.islom.uz



